



133

015 у.г. "31" январ

№ 150-К

Самарқанд т-р Самарқанд

Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини «Янгиариқ агротехсервис» агрофирмаси ҳудудидан фуқаро Шукуров Мавлонқулга Хитой технологияси асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун ер майдони ажратиш ҳақида.

Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 23 январдаги 17 сонли баённомаси, Самарқанд вилоят табиатни муҳофаза қилиш қумитасининг хулосаси фуқаро Шукуров Мавлонқулни туман ҳокимлигига берган аризаси, тўпланган барча ҳужжатлар тўплами ва ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномасини инобатга олиб, Ўзбекистон Республикаси «Ер кодекси»нинг 23 моддасига асосан

#### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Туман ҳокимлиги ҳузуридаги ер участкаларни бериш, (реализация қилиш) масалаларини кўриб чиқувчи комиссияси йиғилишининг 2015 йил 23 январдаги 17 сонли баённомаси ҳамда ишчи гуруҳ томонидан тузилган ер танлаш далолатномаси тасдиқлансин.

2. Самарқанд туман «Оҳалик» қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидан фуқаро Шукуров Мавлонқулга «Янгиариқ агротехсервис» агрофирмаси ер харитасининг 283 контуридан Хитой технологияси асосида муқобил ёқилғилардан фойдаланадиган иссиқхона қуриш учун жами 1,0 га (шундан: 1,0 га туман захира ерлари ҳисобидаги сувли) ер майдони ажратилсин.

3. Ўзбекистон Республикасининг «Солиқ кодекси»га асосан ер солиғини ундириш ва 2016 йил 1 январ ҳолатидаги ер балансига ўзгартириш киритиш туман Давлат солиқ инспекцияси (О. Исмоилов) ва Ер ресурслари ва давлат кадастри бўлими (Ф. Солиев)га топширилсин.

4. Ушбу қарорни бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг биринчи ўринбосари Қ. Қурбонов зиммасига юклансин.

Туман ҳокими

Б. Кадиров